O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

● 2007-yil ● 8-fevral ● Payshanba ● 17 (27.662) ● www.uzbekistonovozi.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси томонидан «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси амалда» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг фаоллари, хотин-қизлар масалалари билан шуғулланувчи жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси раиси Аслиддин Рустамов йиғилганларни мамлакатимизда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирокини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш борасида қилинаётган саъй-ҳаракатлар, партия Дастурида хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя этиш бўйича белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасидаги ишлар ҳақида фикрларини билдирди.

Ушбу давра суҳбатини ўтказишдан мақсад — мазкур Фармоннинг жойлардаги ижроси устидан жамоатчилик назоратини олиб боришни яхшилаш, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари ва партия «Фаол аёллар» қанотининг бу борадаги ишларини таҳлил қилиш, камчиликларни бартараф этиш ва вазифаларни белгилаб олишдан иборат.

ФАОЛ АЁЛЛАР

МАМЛАКАТИМИЗ ҲАМДА ЖАМИЯТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

Ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлида хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини кучайтириш, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кўп болали аёлларни давлат ва жамият томонидан ҳимоя қилиниши борасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, хотин-қизлар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда, ўзларининг муаммоларини дадил кўтариб чиқиш билан бирга, уларнинг ечимини излашга даъват этиш, бунда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДПдан сайланган депутатларнинг қонуний ваколатларидан фойдаланиш масалалари ҳам иштирокчилар диққат марказида бўлди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси, сенатор Светлана Иномова маъруза қилди. Маърузачи бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш борасида турли йўналишларда олиб борилаётган ишлар, хусусан, уларнинг саводхонлигини ошириш, ёш оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича қатор ижобий ишлар амалга оширилганини таъкидлади. Ўзбекистон Президентининг мазкур Фармони ижросини таъминлаш бўйича республикамиз миқёсида олиб борилаётган ишлар ва тадбирларда ЎзХДП ҳам фаол иштирок этаётганлигини алоҳида эътироф этиб ўтди. Бугун Ўзбекистон ХДПга 100 минг нафардан ортиқ хотин-қиз аъзо.

Тадбирда аёллар ўртасидаги баъзи муаммоларнинг олдини олиш, уларнинг ечимини топиш ҳақида ҳам фикрлар билдирилди.

ЎзХДПнинг «Фаол аёллар» қаноти фаолияти тўғрисида ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева сўзлаб берди. Партиянинг ушбу тузилмаси ўзининг бир йилдан кўпроқ вақт мобайнидаги фаолияти давомида қатор амалий ишларни бажарди. Партиянинг Марказий Кенгашидан тортиб, Қорақалпоғистон республика, вилоят, туман, шаҳар кенгашлари ва бошланғич ташкилотлари ҳам фаол хотин-қизлар, қишлоқ аёллари, ёш оналар иштирокида турли амалий семинарлар, учрашув, суҳбат ва бошқа тадбирлар ўтказди. Хотин-қизларга мамлакатда бугунги кундаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонунлар ҳақида маълумот берилди, аёлларнинг фикрлари, дарду ташвишлари тингланиб, умумлаштириб борилди ва тегишли муассасаларга ушбу масалаларни ечиш бўйича таклифлар киритилди.

Шунингдек, давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Турсуной Абдуллаева, Боймурод Юсупов, Анора Бобомуродова, Анвар Шукуров, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси Муҳайё Тўлаганова, ЎзХДП Чилонзор туман кенгаши раиси Раъно Маматқулова ва бошқалар сўзга чиқиб, Ўзбекистон Президентининг 2004 йил 25 майдаги Фармонида белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан ишларни янада кучайтириш бўйича ўз таклиф ва истакларини билдирдилар.

Хусниддин БЕРДИЕВ

Суратларда: *давра суҳбати иштирокчилари.*

Носир ҲАЙДАРОВ олган суратлар

❖ Эътироф

«Тошкент тарихи ва маданияти жаҳон цивилизацияси солномасида алоҳида мавқега эга»

Ислом конференцияси ташкилоти (ОИК) таркибидаги муассасалардан бири — Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) Тошкентни 2007 йилда ислом маданиятининг пойтахти, деб эълон қилгани дунёнинг кўплаб мамлакатларида ҳамон ўзининг акс-садосини бермоқда.

— Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) Тошкентни 2007 йилда ислом маданиятининг пойтахти, деб эълон қилгани ҳақидаги хушхабарни катта мамнуният билан кутиб олдик, — дейди Ҳиндистондаги таниқли диний арбоблардан бири, Умумҳиндистон мусулмонлари Мажлиси-мушавварати президенти Сайид Шаҳобиддин. — Биз Ўзбекистон халқи ва ҳукуматини ушбу шарафли унвон билан самимий қутлашдан беҳад бахтиёрмиз. Ишончимиз комилки, Ўзбекистондаги қадимий ислом обидаларини тиклаш ва кўз қорачиғидек асраш бўйича амалга оширилаётган ишлар бундан кейин ҳам давом этажак. Биз Ўзбекистондаги ислом институтлари бундан кейин ҳам етакчи тадқиқот марказлари сифатида донг таратаверишига аминмиз.

Ҳиндистонда чоп этиладиган, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва академик доиралари орасида тарқатиладиган нуфузли кундалик нашрлардан бири — «These Days» газетасида «Тошкент — ислом маданияти пойтахти» сарлавҳали мақола эълон қилинди. Газета шарҳловчиси Муҳаммад Сиддиқий Тошкентнинг ушбу юксак ва фахрий унвонга сазовор бўлиши Ўзбекистоннинг ислом Маданияти ва фани, ислом меросини асраб-авайлаш ва янада бойитиш йўлидаги катта хизматлари самараси эканлиги ҳақида фикр юритар экан, қуйидаги сўзларни қаламга олади:

«Мустақил Ўзбекистон пойтахти дунёнинг турли минтақаларидан ташриф буюраётган меҳмонларни маҳобатли мадраса ва масжидлари, ислом маданиятига беқиёс ҳисса қўшган буюк алломалар битган қўлёзмалар кўз қорачиғидек авайлаб сақланаётган кутубхона ва музейлари билан лол қолдиради. Тошкентда Имом ал-Бухорий номли ислом институти, Кўкалдош мадрасаси ва Президент И.А.Каримов ташаббуси билан асос солинган Тошкент ислом университети фаолият кўрсатмоқда. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида ушбу йўналишдаги ягона олий ўқув юрти бўлган Тошкент ислом университети дин ва сиёсат, диний бағрикенглик ҳамда замонавий дунёда барқарорлик ва осойишталикни сақлаш каби долзарб мавзуларда ўтказиладиган халқаро анжуманларнинг ўзига хос марказига айланиб қолган».

Ҳинд журналисти Ўзбекистон пойтахтининг бундай нуфузли унвонга сазовор бўлиши сабаблари ҳақидаги фикрларини газетхонлар билан ўртоқлашар экан, ўз мақоласини қуйидаги сатрлар билан якунлайди: ISESCO томонидан қабул қилинган мазкур қарор Осиёдаги қадимий шаҳарлардан бири — Тошкент шаҳрининг тарихи ва маданияти жаҳон цивилизацияси солномасида алоҳида мавқега эга эканлигидан далолат беради.

Садриддин СУЯРОВ,
«Жаҳон» АА мухбири
Деҳли

9 ФЕВРАЛЬ – Мир Алишер Навоий таваллуд топган кун

БУЮК МУТАФАККИРНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

Ўзбекистон тарихи давлат музейида Алишер Навоийнинг маънавий меросига бағишланган кеча бўлиб ўтди. У Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Фанлар академияси, Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуманда сўзга чиққан Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари М.Ҳожиматов, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, навоийшунос олим А.Қаюмов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий-маънавий меросимизни чуқур ва мукаммал ўрганиш, асраб-авайлаш, ёш авлод қалби ва онгига етказишга алоҳида аҳамият қаратилаётганини таъкидладилар. Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ буюк бобокалонимиз Алишер Навоий ижодини пухта ўрганиш, шоир асарларининг тўлиқ ва мукаммал тарзда нашр этилиши, таълим дастурларида ҳаёти ва маънавий меросини ёшлар онгига чуқур сингдиришга қаратилаётган эътибор бунинг ёрқин далилидир.

Анжуманда таъкидланганидек, бугунги кунда мустақил она-Ватанимизда амалга оширилаётган кенг кўламли эзгу ишларда Алишер Навоийнинг ўлмас сатрлари, умрбоқий ўгитлари мужассамдир. Ҳозир нафақат мамлакатимиз, балки бир қатор хорижий давлатларда буюк бобомизга ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида маҳобатли ёдгорликларнинг қад ростлаши, асарларининг жаҳоннинг кўплаб халқлари тилида чоп этилиши шонли тарихимиз, қадимий маданиятимизга дунё миқёсидаги қизиқишнинг тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

Анжуманда Алишер Навоий асарларининг инсониятни эзгуликка чорлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдаги аҳамияти хусусидаги маърузалар тингланди. Шоир ғазалларидан намуналар ўқилди. Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабаларининг мусиқий дастури намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

❖ 2007 ЙИЛ – «Ижтимоий ҳимоя йили»

МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР АНИҚ

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш учун Қашқадарё вилоятида вилоят бюджетидан салкам 20 миллиард, ҳомий ташкилотлар ҳисобидан эса 14 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ажратиладиган бўлди.

Йил давомида вилоятдаги тиббиёт муассасаларига 4 миллион АҚШ долларилик замонавий асбоб-ускуналар келтириш мўлжалланмоқда. Аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашга давлат корхоналари, хўжалик юритувчи субъектлар, нодавлат ташкилотлар ҳамда саховатпеша инсонлар кенг жалб қилинади.

Вилоят ҳокимлигида ўтган йиғилишда шулар хусусида сўз юритилди. Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев бошқарган ушбу тадбирда «Ижтимоий ҳимоя йили»да икки мингга яқин ногиронлар аравачаси, эшитиш мосламалари эҳтиёжмандларга тарқатилиши қайд этилди. Кам таъминланган мингдан зиёд оиланинг уй-жойини ҳомийлар кўмаги билан таъмирлаш, беш минг оилага ер участкалари ажратиш, 4 ярим минг оилага чорва моллари, 3 минг 400 оилага деҳқон хўжаликлари ташкил этиш учун 3 миллиард сўмдан ошиқ миникредит бериш режалаштирилди.

«Ижтимоий ҳимоя йили»да воҳадаги 128 мактаб, йигирмата коллеж қайта реконструкция қилинади. Касалхоналар, талабалар турар жойларини қайта таъмирлаш, қариялар учун санаторийларга бепул йўлланмалар ажратиш борасида ҳам кенг кўламли чора-тадбирлар белгиланди.

А. МУҲАММАДИЕВ,
ЎзА мухбири

ЯНГИ ШИФОХОНА

Пахтачи тумани марказий шифохонаси юқумли касалликлар бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди. 35 ўринга мўлжалланган мазкур шифо маскани энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган бўлиб, шифохона тўла ҳомийлар маблағи ҳисобига бунёд этилди. Бунинг учун эса 165 миллион сўм сарфланди. Қурилиш-таъмирлаш ишларини «Шавкат» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари қисқа муддатда сифатли қилиб бажаришди.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ

O`zbekiston havo yo`llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

«КИМ, БЎЛУБТУР ЛАЪЛИГУН АТЛАСДА СОЙИР ОФТОБ»

Алишер Навоий ижодида либослар талқини

Либослар халқ маданиятини ўрганишда қимматли манбадир. Чунки кийимларда кишининг ижтимоий аҳволи, моддий имконияти, кайфияти, халқнинг рамзий қарашлари мужассамлашган. Халқлар бир-бирларига қанчалик яқин бўлишларига қарамай, уларнинг кийимлари, тақинчоқлари бир-бирларидан фарқ қилади. Кийиниш кишининг нафақат ташқи қиёфасини белгилайди, балки одамнинг ички маънавий дунёси, қайси даврнинг, қайси халқ, қайси миллатнинг фарзанди, қандай савия кишиси эканлигини кўрсатувчи моддий-маданий тимсолдир. Халқ кийимларининг шаклланишида бир неча омиллар муҳим ўрин тутади: иқлим, атроф-муҳит, турар жой, турмуш тарзи, ҳунари, касби, миллий анъаналари, диний эътиқоди, миллий менталитети, миллат онги, руҳияти...

Алишер Навоий лирик қаҳрамонининг жинси, ёши, ҳол ва кайфияти ҳақида ёрқин тасаввур берувчи либос ва унга уйғун рангларни танлашига алоҳида эътибор қилган. Шу маънода улуғ шоир ижодини ўрганиш, ундаги ранг ва либосларга тегишли тасвирларнинг ҳам маъно, ҳам гўзаллик, ҳам маҳорат сирларини ёритиш мақсадга мувофиқдир.

Серқирра санъаткорнинг бир қанча ғазалларида XV аср хотин-қизларининг эстетик кийиниш маданияти қай даражада юқори савияда бўлганлиги ўз бадиий ифодасини топишида ранг символикаси зарурий восита вазифасини бажарган. Бунда либослар образнинг ташқи қиёфаси орқали ички дунёсини очиб беришда, унинг ижтимоий муҳитини ёритишда муҳим воситалардан ҳисобланади.

Масалан, Навоий шеърларида эркак ва аёллар киядиган 60 дан ортиқ либос турлари тилга олинган. Булар: *або, аблақ, абришим, атлас, воло, далқ, даббоғ, дебо, диклай (баъзи ўринларда «дакла», «декла»), дорийи, елак, ёпуқ, жавшан, жанда, жома, жубба, жул, жиба, заркаш, иксун, капанак, катон, киш, кисват, кежим, кўктемур, лиҳоф, лоя, мошоб, мураккаъ, ос, олтойи, паранд, парниён, пашмина, пўстин, песа, ридо, сайфур, сақарлот, синжоб, танпўш, тийин, тўрқа, ўрмак, хирқа, хилъат, хафтон, шол, ширдоғ, қоқум, қумош, қабо, «ҳарир», ҳасирий либос, ҳулла, пўш, танпўш, тийин, ёпуқ, чакмон, чопон, чорқаб...*

Қуйида айрим байтларда бадиий аксини топган либослар ва уларнинг кимлар томонидан ва қачон кийилишига кўра таснифлаган ҳолда тадқиқ этишга ҳаракат қиламиз:

Юқори табақа вакили, жумладан, подшоҳга хос кийимлар:

воло — юқори сифатли, олижаноб, қимматбаҳо мато:

Палоси ҳузни мен, эй атласи чарх,
Манга лойиқ эмас *воло қумошинг*.

Иксун — шоҳи-ипаклик мато, ҳашамли кийим:

Сочингу мушк аро бор анча тафовутки,
мунунг,
Кисватидур янги *иксунда*, анин — эски саноч.

Тўрқа — катон номли матодан тикилган қимматбаҳо кийим:

Шолни *тўрқа* ўрнига ўткара олур бўлса,
таъхир йўқ,
Бўрёни зарбафт ерида сота олур бўлса тақсир йўқ.

Аёлларга хос бўлган кийимлар:

атлас — ипакдан тўқилган майин мато, жавак атлас тури ҳам бор:

Кон ёшим аксиму ол этмиш фалак миръотини,
Ким, бўлубтур лаълигун *атласда* сойир офтоб.

заркаш — зар(олтин) билан ишланган, зарланган кийим:

Саркаш аблақ секритиб даврондек
ул хуршидваш,
Эгнида *заркаш* либоси доғи андоғким қуёш.

Паранд — ипакдан тўқилган юпқа кийимлик, ҳарир шойи:

Эй Навоий, оби ҳайвондек лабидин уз умид —
Ким, сочи зулмотидин ёпти анга мушкин *паранд*.

Барча учун умумий бўлган кийимлар, шунингдек, либос тикишда фойдаланилган матолар:

аблақ — ола пўстин:

Совуқ оҳимдин ўлсанг
бетаҳаммул кўзга келтур юз —
Ки, анда *аблақ* этмишмен
мураттаб теграси қундуз

Киш — қора пўстин, қундуз пўстин;

Ўрмак — туя жунидан тўқилган бир нав мато;

Мошоб — жундан тўқилган кийим; мискинлар киядиган уст кийим:

Кишу ўрмак,
қайдидин ўт айшни фавт этмаким,
***Киш* қароқ тулку,**
***ўрмак* юпқароқ *мошоб* эрур**

Биз бу ўринда даҳо санъаткор ғазалларида қўлланган либослар билан боғлиқ айрим мисолларни кўздан кечириб чиқдик. Навоий ижодида эса бундай гўзал байтлар, мисралар кўплаб учрайди. Уни ўқувчи китобхон эса ҳар мисрада янги-янги турфа рангли либосларда намоён бўлаётган лирик қаҳрамон қиёфасида ўтмишда яшаган аждодларимизнинг бой маънавий қиёфаси, миллий урф-одатлари билан яқиндан танишишга муяссар бўлади.

Сирдарёхон ЎТАНОВА,
тадқиқотчи

❖ ЎзХДП: электорат манфаати

ЎТА МУҲИМ МАСАЛАГА ЖИДДИЙ ЁНДАШУВ

Қоровулбозорда бўлганимда ЎзХДП туман кенгаши раиси Ибодулла Нурманов мени хуш кайфият билан қарши олди. Кўзларида эса қувонч сезилиб турарди.

— Ҳар бир партия кенгаши ҳузурида Жамоатчилик қабулхонаси очилгани яхши бўлдида, — деди у. — Биласизми, ишхонамиз ҳозиргидек файзли бўлмаган. Бултур жамоатчилик қабулхонасига бир гуруҳ қариялар мурожаат қилиб, Қоровулбозор шаҳарчасида сизот сувлари сатҳи кўтарилаётгани, бунинг олди олинмаса барча ниҳоллар қуришини айтишди. Бу масала туман ҳокимлигига етказилгани боис, тўла ечим топди. Заҳкаш ерларда зовурлар қазилиб, сизот суви ташқарига оқизилди.

Энди тушундим раис кўзларида қандай қувонч яширинганига. Эл корига яраш қанчалик завқли-я?!

— Ҳал бўлмайдиган масаланинг ўзи йўқ, — дейди меҳнат фахрийси Ҳамро Эргашев. — Фақат эътибор зарур. Партиямиз Жамоатчилик қабулхоналари орқали ўз электорати муаммоларини ўрганиб, уларни бартараф этишга интилаётганининг ўзи — катта савоб. Ёки, кенгаш аъзоларининг биз, қариялардан кўнгил сўрашлари-чи? Якка-ёлғиз, ногиронлар ижтимоий муҳофазасига бугунгидек эътиборни кўрганим йўқ. Мамлакатимиз Президентига раҳмат.

Отахон гапини тугатаркан, хона эшиги очилиб, ичкарига ўрта бўйли, истараси иссиқ бир йигит кириб келди. Бу киши туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи, ХДП аъзоси Аброр Тошев экан. Уни ҳам суҳбатга тортдик.

— Мамлакатимиз Президенти томонидан 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши, — дейди у, — ўта муҳим масала. Бунинг устига бу партиямиз дастурий мақсадларига жуда мос. Шу боисдан биз туман партия кенгаши билан ҳамкорликни ҳар қачонгидан ҳам кучайтирдик. Ҳисобимиздаги 885 нафар пенсионер ва нафақахўрга эътибор янада кучайтирилди.

Юз бор эшитгандан кўра бир бора кўрган афзал, деган нақлга амал қилиб, ёлғиз кексалар, ногиронлар билан суҳбатда бўлдик.

— Ҳозир пенсиядаман, — дейди Қоровулбозор шаҳарчасида яшовчи Марям Сайфитдинова. — Тақдир экан, якка-ёлғиз кексаман. Бир кўзим кўрмайди. ЎзХДПга хайрихоҳлигимни айтай. Барака топкурлар, ҳар байрамда йўқлашади. Ортингда суянадиганинг борлиги яхши-да.

— Бултур Олтиарикда дам олдим, — деди мазкур шаҳарчада истиқомат қилувчи Ғофур Зарипов. — Уруш азобуқубатини ҳали ҳам тортаман. Кўпинча ижтимоий таъминот бўлимидаги олижаноб инсонлар дардимга малҳам бўлишади. Илоҳим, танлари дард кўрмасин.

— Дарвоқе, шундай, — дейди туман партия кенгаши раиси. — Бу кексаларнинг ак-сарияти ХДП аъзоси, менга улар жуда таниш. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, «Қоровулбозор нефтгазқидирув» экспедицияси, «Бухоронефтгазпармалаш» акциядорлик жамияти, «Қоровулбозор» қорақўлчилик ширкат хўжаликлари бошланғич партия ташкилотлари (раислари Нодир Ўринов, Людмила Нарзаева, Абдувоси Қаноатов, Баҳрон Бозоров) ва бошқалар ногиронлар, кам таъминланган оилаларга ҳомийлик ёрдами кўрсатишга бош-қош бўлмоқдалар. Бундай ғамхўрлик кемтик қалбларга малҳам бўлмоқда.

— Кўнгил олмоқ ҳам савоб, — дейди Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи бошланғич партия ташкилоти раиси. — Тумандаги ногиронлар, кам таъминланган оилаларга имкон қадар оталиқ қилаяпмиз. «Ижтимоий ҳимоя йили»да бундай ишларни янада кенгайтирамиз. Бунда ХДП аъзолари ўз зиммаларидаги масъулиятни чуқур англаган ҳолда бошқаларга ўрнак бўладилар.

Дарвоқе, туман партия кенгашининг жойлардаги таянчи ҳисобланган 20 та бошланғич партия ташкилоти «Ижтимоий ҳимоя йили»да амалга оширадиган тадбирларини аллақачон белгилаб олган. Зеро, ижтимоий ҳимоя масаласи барча сафдошларимиз бурчига айланиши лозим.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

❖ ЎзХДП ҳаёти

4 февраль куни пойтахтимиздаги муҳташам «Ўзбекистон» меҳмонхонасида «Ёш етакчиларнинг қишки мактаби» иш бошлади. Ушбу тадбир 15 февралга қадар давом этади.

Ёшлар ҳақида гап кетар экан, келажак эгалари, деган ибора кўп бор ишлатилади. Демак, бугун ёш авлоднинг қандай тарбияланаётгани, билим олаётгани, шаклланаётгани мамлакатнинг эртаси қандай бўлишидан далолат беради. Шунинг учун мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ҳам бу борада ўз дастурларини ҳаётга татбиқ этмоқдалар.

«ЁШ ЕТАКЧИЛАРНИНГ ҚИШКИ МАКТАБИ»

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти (ФЖЎИ), сиёсий партиялар, «Камолот» ЁИҲ ҳамкорликда «Сиёсий партиялар ёшлар қанотлари ва «Камолот» ЁИҲни фаоллаштириш» лойиҳасини амалга оширмоқда. Унинг биринчи босқичи сифатида ўтган йилнинг ноябрь-декабрь ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида семинар-тренинглар бўлиб ўтди. Уларда 600 га яқин ёш етакчилар, ёш лидерлар иштирок этди. Семинар-тренингларни олиб борган тажрибали тренерлар ва экспертлар ушбу ёшлар орасидан энг фаол, ташаббускорларини қишки мактабга таклиф этди. Шундай қилиб, бугун мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган ва турли сиёсий партиялар ҳамда «Камолот» ЁИҲ вакиллари ҳисобланган 120 нафардан ортиқ ёшлар қишки мактабда таҳсил олишни бошладилар. Семинар-тренингларда Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчилари ҳам фаол иштирок этяпти.

— Ўтган йил охирида бўлиб ўтган семинар-тренинглар ёшлар билан ишлашда янги методларни ўрганишимизга ёрдам берди, — дейди ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Шуҳрат Ҳожиматов.

Қишки мактаб иштирокчилари Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишлари, фуқаролик жамияти институтлари фаолияти, мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари, хорижий мамлакатлардаги ёшлар ташкилотлари ва сиёсий партияларнинг ёшлар орасида ишлаши тажрибаси билан кенгроқ танишадилар. «Ўзбекистон Республикасида ёшлар сиёсати», «Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий тизимида сиёсий партияларнинг ўрни ва мавқеи», «Сиёсий технологиялар» ва бошқа кўплаб мавзуларда маърузалар тинглайдилар. Шунингдек, ёш етакчиларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатида депутатлар ҳамда сенаторлар билан учрашувлари ҳам режалаштирилган.

Беҳзод ШУКУРОВ

❖ Қарор ва ижро

ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда боқувчисини йўқотган вояга етмаганларга ғамхўрлик намунаси бўлган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, Оила кодексининг 173-моддасига асосан ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таълим-тарбия бериш, давлат қарамоғига олиш ҳамда бундай болаларнинг шахсий, мулкий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун васийлик ва ҳомийлик белгиланиши кўрсатилди.

Бундан ташқари, бошқа бир меъёрий ҳужжат — «Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Низом эса васийлик ва ҳомийликнинг белгиланиши ёки бекор қилиниши ҳамда васийлик ва ҳомийлик органларининг вазифаларини белгилаб берди. Ушбу ҳужжатнинг биринчи бўлими 7-бандига асосан васийлик ва ҳомийлик органлари васийлик мажбуриятларини қандай бажараётганликлари, жумладан тарбияга берилган болаларнинг турмуш шароити, мол-мулкининг сақланиши устидан йилига камида икки марта назоратни амалга оширишлари ва тегишли маълумотномаларни тузиб боришлари кўрсатилган.

Туман прокуратураси томонидан ўтказилган назорат тартибидаги текширишда юқоридаги қонун ҳужжатлари ижросида қатор нуқсонлар борлиги аниқланди.

Тўғри, туман ҳокимлиги ҳузурида «Васийлик ва ҳомийлик» кенгаши тузилган ва унинг таркибига қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари жамоатчи назоратчилар сифатида киритилган. Барча қаровсиз, етим ва ҳам отаси, ҳам онасидан айрилганлар рўйхати тузилиб, уларга васийлар ва ҳомийлар тайин қилинган. Аммо, айрим ҳолларда иш шу билан гўёки ниҳоясига етказилган. Васийлар ва ҳомийлар ўз вазифаларини қандай бажараётганини назорат қилиш эса ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Масалан, «Бешариқ» қишлоғилик ака-ука Улуғбек ва Нурбек Қўшақовларга туман ҳокимининг 2001 йил 14 мартдаги қарори билан Онажон Саъдуллаева васий қилиб тайинланади. Васий мажбуриятлари бажарилиши борасидаги тегишли маълумотлар ўтган даврда фақат икки марта тузилган, холос. Сўнгги тўрт йилда нима иш қилингани ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Улуғбек Қўшақов ўтган йилнинг январида ўн саккиз ёшга тўлган. Юқоридаги Низомга кўра, у балоғатга етган ҳисобланади. Шу боис у ота-оналар қарамоғидан маҳрум бўлган болалар рўйхатидан чиқарилмоғи, унга нисбатан васийлик ва ҳомийлик муддати тугатилмоғи керак эди. Бу ҳол ҳеч кимнинг ёдига келмаган.

Шу қишлоқда яшовчи ўн олти ёшли Нигора Машарипова эса ҳеч қандай асоссиз ота-оналар қарамоғидан маҳрум бўлган болалар рўйхатидан чиқариб ташланган.

«Қораянтоқ» қишлоғида яшовчи ўн олти ёшли Баргида Рўзметовага 1998 йилда туман ҳокими қарори билан келинойиси Ҳамида Оллаберганова васий қилиб тайинланган. Васийлик мажбуриятларининг бажарилиши юзасидан ўша йили фақат бир марта маълумотнома тузилади. Ўтган етти йилда бу иш назоратсиз қолиб кетган. Афсуски, бундай фактларни яна келтириш мумкин. «Хитой», «Қулон Қорабоғ» ва «Деҳқонбозор» қишлоқларидаги васийликка олинган етим болаларнинг аксари назоратсиз қолганини афсус билан таъкидлаш жоиз.

Шу ўринда бир мулоҳазани эслатиш ўринли. Табиийки, қаровга муҳтож болаларга дуч келган инсонни васий ёки ҳомий қилиб белгилаб бўлмайди. Ҳомийлик ва васийликка даъвогар шахс ҳар тарафлама бунга муносиб бўлмоғи, аввалида васий ёки ҳомийнинг ўз оиласида соғлом турмуш тарзи барқарор бўлиши шарт. Ана шунда қарамоққа олинган болаларнинг соғлиги, ҳаёти ва тарбиясига ҳеч қандай хавф бўлмайди.

Мана бу мисолга эътибор беринг. «Бешариқ» қишлоғилик Б.Мадаминов вафот этади. Шу орада турмуш ўртоғи Р.Одамбоева қамалади. Оилада вояга етмаган уч нафар фарзанд қолади. Туман «Васийлик ва ҳомийлик» кенгаши бу болаларга васий қилиб уларнинг бувиси Г.Султоновани тайинлаган. Лекин бу оиладаги оила бошлиғи, унинг икки нафар ўғли, келини ва қизи гиёҳвандлик туфайли жиноят кўчасига кирган кимсалар ҳисобланади. Тўғри, васий Г.Султонова судланмаган, аммо уч нафар қаровга муҳтож болалар яшаётган оилада беш кишининг гиёҳвандлик кўчасига кирганлиги фактидан кўз юмиб бўлардими? Бу болаларнинг келажагига салбий таъсир ўтказмайдими?

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги «Васийлик ва ҳомийлик» кенгаши ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ҳамда уларнинг ижтимоий муҳофазаси аҳволи юзасидан назоратни бўшаштириб юборганликлари ҳолатлари ҳам йўқ эмас. «Бешарик»лик ўттиз беш яшар М.Отажонова 2005 йил 30 ноябрда ўта оғир жиноят содир қилганлиги учун қамалган. Натижада унинг саккиз яшар қизи ва уч яшар ўғли қаровсиз қолади. Худди шундай сансалорлик, масъулиятсизлик оқибатида К.Отажонованинг ҳам уч нафар фарзанди назоратсиз қолиб кетганлиги маълум бўлди.

Ушбу текшириш якунларига кўра, бир қатор мансабдор шахсларга нисбатан интизомий чоралар қўлланилди, бундай ҳолатлар такрорланмаслиги учун масъул кишилар огоҳлантирилди.

Боқувчисини йўқотган бола тарбияси, унинг келажаги билан боғлиқ ишларда масъулиятсизлик қилиш жамиятга жуда қимматга тушади. Буни унутишга эса ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ.

Худойберди ЖУМАНИЁЗОВ,
ҳуқуқшунос

❖ Амнистия — бағрикенглик тимсоли

ТЎҒРИ ЙЎЛГА ҚАЙТИШ ИМКОНИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарори миллий қонунчилигимиз бағрикенглик, олижаноблик, адолат ва инсонпарварлик тамойилларига асосланганлигининг яна бир ёрқин мисоли сифатида ҳаётда ўз ижросини топмоқда. Мазкур қарор мазмун-моҳиятига кўра, у кучга киргунга қадар эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган, билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган шахсларни жазодан озод қилишни, жазодан озод этилмайдиган маҳкумларнинг эса жазо муддатларини тегишлича қисқартиришни назарда тутади. Аммо фуқароларга бу қарор мақсад ва моҳиятини қайта-қайта тушунтиришимиз керакка ўхшайди. Чунки, ота-оналар орасида қарор шартлари, қонун талабларидан бехабарлик ҳар хил норозиликларга сабаб бўлмоқда. «Нега менинг ўғлимга амнистия қўлланмаяпти?» деган саволлар билан ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилишмоқда.

Қарор талабига кўра, мазкур ҳужжат ўта хавфли рецидивистларга, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга, муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод бўлгач, яна қасддан жиноят содир этган шахсларга, шунингдек тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятнинг содир қилинганлиги учун судланганларга татбиқ қилинмайди.

Лекин тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки учун судланиб, ўз қилмишларига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва қатъий тузалиш йўлига кирган шахсларга амнистия акти қўлланилиши белгиланган. Бундай шахслар билан суҳбатлашиб, йиғма жилдларини ўрганиб, келгусида ғайриқонуний қилмишларга йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилиб, уларга амнистия акти қўллашга санкция бериш масаласини прокурорлар ҳал этади. Ўз навбатида, бу ҳар бир прокуратура органи ходими зиммасига катта масъулият юклайди.

Таъкидлаш жоизки, қарор ижросини таъминлаш борасида жойларда, хусусан бизнинг вилоятда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Чунончи, ўтган икки ой ичида жами 1024 нафар судланувчига нисбатан амнистия қарори татбиқ этилган. 3-сонли тергов ҳибсхонасида сақланаётган 51 нафар маҳкум амнистия имкониятидан фойдаланди. Шулардан 11 нафари озодликка чиқиб, 40 нафар маҳкумнинг жазо ўташ муддати қисқартирилган.

Қарор қабул қилингандан кейин ўтган давр мобайнида судлар томонидан 288 та жиноят ишлари бўйича 356 нафар шахсга нисбатан ушбу қарор қўлланилиб, 910 нафар шахс жазодан озод қилинган.

Амнистия тўғрисидаги қарорга биноан жазони ижро этиш жойларидан озод этилган шахсларга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида 16 миллион сўмдан кўп маблағ ажратилди. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ижтимоий кўникма марказига мурожаат қилган 94 нафар жазодан озод этилганларнинг бугунги кунда 70 нафари меҳнат фаолияти билан шуғулланмоқда. 57 нафар шахсга 3 миллион 431 минг 130 сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

Энди гап — имкониятдан тўғри фойдалана олишда. Зеро, амнистия тўғри йўлга қайтиш учун берилган имконият ҳисобланади. Уни суиистеъмол этиш яхшиликка олиб бормайди.

Амрулло МАҚСУДОВ,
Бухоро вилоят прокуратураси прокурори

ТАРБИЯ — БАРЧАНИНГ ИШИ

Самарқанд агро-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида «Ёшларимиз XXI аср вабоси — гиёҳвандлик ва ОИТСга қарши» мавзуида тадбир бўлиб ўтди. Кун тартибидаги масала юзасидан коллеж шифокори О.Ғаффорова маъруза қилди.

Сўзга чиққанлар соғлом авлодни тарбиялаш барчанинг инсоний бурчидир, деган фикрни қўллаб-қувватлашди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати М.Усмонов, Оқдарё тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси З.Парсаева, туман ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари С.Муртозаев, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши раиси М.Саидмуродов ва бошқалар гиёҳвандлик ва ОИТС аср вабоси эканлиги, унинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда инсон организмига таъсири тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини гапириб ўтдилар. Йиғилганларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

Тадбир сўнггида коллеж талабалари томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари намойиш этилди.

(Ўз мухбиримиз)

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС РИВОЖИ

Мамлакатимиз Президентининг «2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» (2006 йил, 17 апрель)ги Қарори жойларда қандай бажарилмоқда? Ушбу масала юзасидан жамоатчи мухбиримиз Навоий шаҳридаги аҳвол билан қизикди.

Шаҳар статистика бошқармаси ва корхона ҳамда ташкилотлардан олинган маълумотлар таҳлилларига кўра, сервис ва хизмат соҳаси улуши ҳудудий ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмида 20 фоиз бегиланган бўлса, амалда 2006 йил якунида у 30,7 фоизни ташкил этди. Мулк шаклидан қатъи назар шаҳарда сервис ва хизмат соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона, ташкилот, ўрта ва кичик бизнес субъектларида пуллик хизматлар ҳажми 264 млрд. сўмни ташкил қилди. Бу — мазкур кўрсаткич 2005 йилга нисбатан 6,2 млрд. сўмга ошди ва кўплаб янги объектлар ишга туширилиши ҳисобига шаҳар бўйича 232 та янги иш ўринлари яратилди, дегани. Биргина чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида ўтган йили кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми 6,2 млрд. сўмга етди ёки 2005 йилга нисбатан 0,8 млрд. сўм (114,9 фоиз)га кўпайди.

Транспорт хизматлари бўйича амалга оширилган ишлар борасида шаҳардаги айрим корхона ва ташкилотлар ҳамда хусусий тадбиркорлар фаолиятини эса алоҳида таъкидлаш лозим. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан 2006 йилда 5167,7 млн. сўмлик транспорт хизмати амалга оширилди. Соҳада яхшироқ натижаларга эришиш учун шаҳар автотранспорт корхоналарига банк кредит маблағлари ва лизинг хизмати асосида 30 та янги автобуслар сотиб олиш кўмаги берилди. Бундай мисолларни электрон-ахборот, алоқа ва телекоммуникация, молия ҳамда банк, туризм хизматлари соҳаларидан ҳам келтириш мумкин...

— Айниқса, туризмни кенгайтириш учун вилоятда жуда катта имкониятлар бор, — дейди **шаҳар ҳокимлиги иқтисод бўлими бошлиғи Мустафо Жиянов.** — ...Тўдакўл, Шўркўл ва Айдаркўл каби сув ҳавзалари, Зарафшон дарёси, «Сармиш» ёдгорликлари, Нурота тоғларида режалаштирилган кўплаб биосфера захиралари бор. Учқудуқ ва Томди туманлари ҳудудлари ҳамда марказий «Қизилқум» қўриқхонаси атрофларида овчилик, балиқчилик, сайёҳлик ва бошқа кўплаб хизматлар, дам олиш масканлари, оромгоҳлар ташкил этиш мумкин.

Аммо, тан олиш керак, бу ерларда ўзига хос муаммолар ҳам бор. Масалан, мазкур ишларни ташкил этиш учун тегишли моддий-техника базаси керак. «Ўзбектуризм» вилоят филиали эса ҳозир нафақат ўз меҳмонхонаси ва кемпинглари, туризм базалари, оромгоҳлари, транспорт воситаларига, ҳатто ўз офисига эга эмас. Агар бу масалалар ижобий ҳал қилинса, туризм ва сайёҳлик хизматларини бир неча бор кўпайтириш, пировардида, катта миқдорда валюта захираси яратиш, қишлоқ ва узоқ чўл ҳудудларида яшаётган кўплаб фуқароларимизни доимий иш билан таъминлаш имкониятига эга бўлардик.

— Ҳозир ҳаётимизда энг долзарб масалалардан бири — коммунал ва маиший хизмат ривожи бўлиб турибди. Шаҳарда бу борада олиб борилаётган ишлар тарзи қандай?

— Коммунал ва маиший хизмат доирасида шаҳар аҳолиси хонадонларига 2006 йилда 5000 дона совуқ сув ўлчагичи, 6346 дона иссиқ сув ўлчагичи ўрнатиб берилган. Тўғри, шаҳар ҳудудида коммунал хизматларни ривожлантириш ва кенгайтириш, аҳолига замонавий, арзон, сифатли ҳамда кўплаб хизмат турлари ташкил қилиш масалаларида ҳали ўз ечимини кутаётган муаммолар йўқ эмас. Жумладан, сув ва газ ўлчаш воситаларини таъмирлайдиган ва аҳолига сервис хизмати кўрсатадиган махсус шохобчалар ташкил этиш бўйича ўтган йилги режа бажарилмай қолди. Сабаби, шаҳар ҳудудида газ ва сув ўлчаш асбобларини ўрнатиш ишлари марказлашган ҳолда «Ғарбгазтаъминот» филиали ва НКМК УЖКФБ томонидангина амалга оширилади. Приборларнинг бузилиш ҳолатлари рўй берган чоғларда ҳам улар томонидан алмаштирилади. Бу ҳол кўпинча мавжуд носозликларни тўғрилашда улгурмаслик ҳолатларига олиб келаяпти. Шу боисдан ҳам сервис хизмати бўйича махсус шохобчалар тармоғи кенгайиши керак, албатта...

— Сервис ва пуллик хизматлар объектларидан фойдаланишнинг аҳолига қулайлиги ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Шаҳар ҳокимлигининг махсус ишчи гуруҳи томонидан ўтган йилнинг декабрь ойида шаҳар ҳудудида фаолият кўрсатаётган барча сервис ва пуллик хизматлар объектлари тўла хатловдан ўтказилиб, жами 818 та объект рўйхатга олинди. 395 та савдо нуқталари, 98 та овқатланиш, шунингдек, бошқа хил кўплаб сервис, пуллик хизмат турлари статистика, солиқ ва ҳокимлик назоратига олинди. Масалан, «Автотеххизмат» АЖ корхонаси мижозлар эҳтиёжи ва талабларини ҳисобга олган ҳолда шаҳарнинг 10-микродаҳаси ҳудудида янги замонавий сервис хизмати кўрсатувчи марказ ташкил этди. У фуқароларга қулайлик берди. Бу ерда ҳозир қатор таъмирлаш цехларидан ташқари тижорат банкининг махсус кассаси, эҳтиёт қисмлар дўконлари ташкил этилди... Бу каби чора-тадбирлар 2006 йил давомида шаҳар бўйича жами кўрсатилган автосервис хизмати ҳажмини 503,3 млн. сўм ёки 2005 йилга нисбатан 82,6 фоиз кўп бўлишини таъминлади.

Кўриниб турибдики, аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантириш борасида Навоий шаҳрида 2006-2010 йилларга мўлжалланган Дастурдаги режалар ижроси бўйича ишлар изчил олиб борилмоқда.

Абдумутал НОРБОЕВ



ИНСОН САЛОМАТЛИГИ — БЕБАҲО БОЙЛИК

Мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, аҳоли саломатлигини асраб-авайлаш йўлида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Асака туман соғлиқни сақлаш бўлими тасарруфидаги барча тиббиёт муассасаларида амалга оширилаётган тадбирлар замирида ҳам ана шундай эзгу мақсад мужассам.

Туманда ҳозирги вақтда тўртта шифохона, учта поликлиника, йигирма бешта қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда 196 нафар юқори малакали шифокор ва 1217 нафар тиббиёт ходими аҳоли хизматида.

Туман соғлиқни сақлаш бўлими шифокорлари «Ижтимоий ҳимоя йили»да чекка қишлоқларда яшайдиган ногиронлар ва ёлғиз қарияларнинг ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтишларини таъминламоқдалар.

Суратларда: *«Ўзбекистон» қишлоқ врачлик пункти хамшираси Насибахон Жўраева; қишлоқ врачлик пункти фаолиятидан лавҳа.*

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар

ҚИЛА ОЛҒАНЧА УЛ БЎЛСУН ШИОРИНГ — КИ, ЯХШИ ОТ ҚОЛҒАЙ ЁДГОРИНГ.

СЎЗ ФАЗИЛАТИ

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг биринчи проректори, филология фанлари доктори, профессор Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ газетамиз таҳрир ҳайъати аъзоси, фаол муаллифларимиздан биридир. Яқинда таниқли навоийшунос олимнинг «Маънавият» нашриётида «Комил инсон — адабиёт идеали» номли китоби чоп этилди.

Мазкур асардаги ҳазрат Алишер Навоийнинг сўз фазилати хусусидаги фикрларини эътиборингизга ҳавола этаяпмиз.



Шарқ шоирлари ижодида тилга эътибор, тилнинг инсон ҳаётидаги ўрни, хизмати, инсонни шарафлаши ва инсон ўз асосий алоқа қуроли тилдан қандай мақсадларда фойдаланиши хусусида фикрлар анча. «Сўз» деганда шоирлар инсонни бошқа мавжудотдан ажратиб турадиган нутқни, тафаккурни, ўзаро алоқа воситаси — тилни, бадиий адабиёт ва умуман ёзма ҳамда оғзаки ижодни, тилнинг киши хулқ-атвори, одобига таъсири, тарбиявий аҳамиятини назарда тутганлар. Шунинг учун бўлса керак, инсон ихтиёридаги ижодий неъмат тил қадриятига юксак баҳо берилган, ундан ўз ўрнида тўғри ва фойдали ишлар учун фойдаланиш ҳақида панд ва насиҳатлар асосига қурилган мушоҳадалар юритилган.

Алишер Навоийнинг фикрича ҳам: «Сўз гавҳарининг шарафи» баландлигига сабаб унинг бутун олам қудрати тарафидан туҳфа этилганидир. У «тўрт садаф гавҳарнинг дуржи», яъни тўрт унсур (сув, ҳаво, ўт, тупрок)дан ҳосил бўлган инсон зотининг бош хусусиятини белгилайди, нутқ инсонни барчадан афзал этади. Сўз, нутқ — руҳ, қолип ичидаги жон, ҳаёт, ҳаракат демак, тил фақат алоқа қуроли, инсонни мумтоз этган неъматгина эмас, балки инсон учун азоб-изтироблар келтирадиган нарса ҳам, зеро тил — киши бошига кўп фалокатлар келтиради, «руҳни ҳалок этади». Навоийнинг масалага қанчалик чуқур қараганини ҳис этиш қийин эмас. Улуғ шоир фикрини давом эттириб ёзадиким, сўзнинг кучи бениҳоя улуғ, «каломи фасеҳ» (гўзал сўз) ўлганни тиритириши ҳам мумкин.

Сўз масъулияти қанчалик баланд эканини, одамлар тақдири, кишиларнинг ҳаёти бир сўз билан ҳал этилиши — ё бахтга муяссар, ё абадул-абад бадбахт бўлишини, сўз одамларни жонфидоликка, улуғ мақсадлар сари курашга сафарбар этишини қайд этган Навоий, айни вақтда сўзнинг эстетик таъсир кучини кўрсатишни унутмаган. Шоир қизиқ мисол келтиради: «Ғунча оғизлик санами нўшлаб» гўзални кўрсанг, унинг хуш сурати, зебо қадду қомати кишини лол қолдирса-да, зоҳиран унинг чиройли суратдан фарқи йўқ. Лекин, агар шу чирой, ҳуснга яраша малоҳатли, жонситан нутқи ҳам бўлса, у:

Солғуси жинси бани одамға ўт,
Не бани одам, бари оламға ўт.
Ҳар дам этиб элни ҳалок ўртагай,
Балки башар хайлини пок ўртагай.

Мана шу ерда Навоий бадиий адабиёт, яъни «фасоҳатли сўз»нинг сўзу гудозидан ҳикоя бошлаб, шеърнинг, шоир сўзининг қудратини усталик билан қайд этади. Бунда ҳам нозик йўл топган: боя ўзи таъриф этган ўша гўзал сўзга чечанлиги билан олам аҳлини масту сархуш эта олади, аммо у Навоий ғазалини ўқиса-чи. Унда:

Ким анга алфоз ўлуб оташ фишон,
Берса улус кўнглига мунгдин нишон.
Базмда ул лаҳза алолони кўр,
Кўйи харобот аро ғавғони кўр.

Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида устозлари — Аттор, Румий, Ҳофиз, Жомий, Хусрав ҳақида, уларнинг баланд қадрли шеърияти ҳақида тўхтаб, кейин «адно табақаси» (паст табақа) шоирларни тилга олиб ўтади. Уларнинг «не шоирона таркиблари аҳсан ва не ошиқона сўзу дардлари шуълаафкан, баъзисидан агар гоҳе бирор яхши байт воқеъ бўлур, аммо ўн онча ямон даъво зоҳир бўлурким, у ҳам зоеъ бўлур» деб ёзади. Навоий бундай «шоирталаб» сўзи ёлғон, ўзи кибру ҳаволи кишилардан безор бўлганини «Ҳайратул-аброр» достонида ҳам сўз маъносига бағишланган бобда қайд этган. Турфа буким, деб нолийди улуғ шоир, улар менинг ўзимнинг шеъримни рангу рўйини ўзгартириб, тўғрироғи, уни бузиб, яна олдимга олиб келадилар, «шеър»нинг ҳолига йиғлагинг келади:

Зоҳир этиб йиғлағудек ҳол анга,
Кийдурубон эски қаро шол анга.
Турфа буким шеър кўюб отини,
Еткурбон кўкка мубоҳотини...

Умуман олганда сўз — одамнинг шарафи, сўз — фазилат, сўз — ахлоқий камолот воситаси. Шунинг учун уни шу йўлда сарфлаш лозим. Буюк шоирнинг хулосаси — ана шу.

ШОИРГА ЭҲТИРОМ

Шеърият мулкининг султони Мир Алишер Навоий таваллудининг 566 йиллиги мамлакатимизнинг барча гўшаларида кўтаринкилик билан нишонланмоқда. Навоий вилоятида бу санага алоҳида тайёргарлик кўрилиб, байрам тадбирлари бошлаб юборилди.

Кеча эрта тонгданоқ буюк шоир номи билан аталувчи боғ байрамона руҳда безатилди. Боғ ўртасида бунёд этилган шоир ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди. Бу ерга йиғилганлар алломанинг ҳаёти ва ижоди, бой маънавий мероси ҳақида сўзладилар.

Шундан сўнг тадбирлар Навоий давлат педагогика институтига кўчди. Профессор-ўқитувчилар, талабалар, адабиёт ихлосмандлари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этган мазкур анжуманда буюк мутафаккир фаолиятининг муҳим қирраларари хусусида маърузалар қилинди, ғазалларидан намуналар ўқилди. Талаба-ёшларнинг Навоий асарлари асосида тайёрлаган бадиий чиқишлари эса унга алоҳида файз бағишлади. Шунингдек, бундай тадбирлар Навоий давлат кончилик институти, маданият ва санъат агроиқтисодиёт коллежларида ҳам бўлиб ўтди.

(Ўз мухбиримиз)

❖ **Биз билган ва билмаган тарих**

СИНОВЛАРДА СИНАЛГАН САДОҚАТ

1941 йил, Иккинчи жаҳон уруши бошланган бир пайтда Санкт-Петербург (Ленинград) шаҳрида Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги нишонланган эди...

1938 йил. Республикамизда Улуғ ўзбек шоири Мир Алишер Навоий туғилганига 500 йил тўлиши муносабати билан 38 кишидан иборат юбилей комитети тузилади. Унга ўзбекистонлик таниқли фан, адабиёт ва санъат арбобларидан ташқари бир қатор москвалик ёзувчи ва олимлар ҳам киритилган эди.

Ўзбекистон ҳукуматининг таклифи билан 1941 йил 12 мартда Навоий юбилейини собиқ иттифоқ миқёсида ўтказиш ҳам режалаштирилади. Унга кўра, 1941 йилнинг февраль ойида буюк шоирнинг юбилейи кенг нишонланиши кўзда тутилганди. Аммо...

Санкт-Петербург, 1941 йил 13 июнь

Юқорида тилга олинганлар асосида собиқ иттифоқ Фанлар академияси ҳайъати ўша кезлардаёқ махсус қарор қабул қилган. Навоий асарларининг танқидий матнини тайёрлаш иши Фанлар академиясига қарашли шарқшунослик институтининг ҳозирги Санкт-Петербург бўлимига топширилган эди. Институт масалани жиддий ўрганиб, умумий ҳажми уч юз босма табоқли 11 жилддан иборат нашрни тайёрлаб, уни 1941-1945 йилларда амалга оширишни режалаштиради. Танқидий матн тамойиллари асосида тегишли илмий изоҳ ва шарҳлар билан тайёрланажак нашр юқори полиграфик савияда бажарилиши ва бунинг учун давлат томонидан тегишли маблағ ажратилиши лозим эди.

1941 йил 12 июнда институт илмий кенгаши ўтказилиб, унда Навоий асарларининг танқидий матнини яратиш масаласи муҳокама қилинади. Йиғилишда қатнашган бир гуруҳ навоийшунос, шарқшунос олимлар Навоий асарлари матнини нашрга тайёрлаш лозим, деган қарорга келдилар. Олимлар «Муҳокамат ул-луғотайн», «Маҳбуб ул-қулуб», «Мезон ул-авзон»ни нашрга тайёрлаш ишлари қандай бораётгани ҳақида ахборот бердилар. Бундан ташқари ўша кунларда Санкт-петербурглик таржимонлар ҳам Навоий асарларини рус тилига таржима қилишга катта иштиёқ билан киришган эдилар.

Санкт-Петербург, 1941 йил 19 сентябрь-ноябрь

Иккинчи жаҳон уруши бошланиб, шаҳар душман самолётларининг доимий нишонига айланди. Кўплаб иморатлар, шу жумладан Эрмитаж музейи қаттиқ шикастланди. Шаҳарни сув ва электр энергияси билан таъминлаб турувчи тизимлар ишдан чиқди. Трамвай қатнови тўхтади. Бошқа шаҳарлар билан алоқалар узилди... Санкт-петербурглик олим, шоир ва санъаткорлар нонсиз, озиқ-овқатсиз қолдилар.

Уруш арафасида бутун дунёга машҳур бўлган Эрмитаж директори, академик И.Орбели олдида турган фавқулодда катта вазифа музейнинг асосий фондини Свердловск шаҳрига олиб бориб жойлаштириш, шаҳардаги бошқа музейларнинг экспонатларини Эрмитажнинг ерости қисмига яшириш, бомбардимондан сақланадиган хоналарни барпо этиш ва шундай оғир шароитда олимлар учун иш шароитини яратиш эди.

Эрмитажда жон сақлаган олим ва таржимонларнинг бир қисми Навоий асарларининг илмий матнини тайёрлаётган ва таржима қилаётган эдилар.

Қамалнинг дастлабки ойларидаёқ озуқа захиралари тугаб, шаҳарликлар очлик азобини торта бошладилар. Декабрь ойига келиб, ўтин-кўмир ҳам тугади. Қаттиқ совуқ, изғирин... Музейнинг ерости хоналарида яшаб ишлаётган ходимлар очликдан ўлмаслик учун елимдан холодец (музлама)лар қилиб едилар. Вазелин, глицеринлар ҳам озиқ-овқат вазифасини ўтади. Асосийси, бу инсонлар шундай шароитда ҳам Навоий ижоди билан шуғулланишда мардона давом этдилар.

И.Орбели ноябрь ойи бошларида фронтга бориб, декабрь ойида Навоий шарафига Эрмитажда ўтказилиши мўлжалланган тантанали йиғилиш ва унинг аҳамияти тўғрисида жон куйдириб сўзлайди. Сўнгра тантанали йиғилишда иштирок этишлари учун олдинги марралардан, шаҳар атрофидаги блиндажлардан бир неча шарқшунос олим ва урушгача Навоий асарларини таржима қилган шоирларни Эрмитажга юбориш ҳақида қўмондонлик билан келишиб олади.

1941 йил 8-9 декабрь

Шоир ва таржимон В.Рождественский шарқ адабиётининг айрим намояндалари ижоди билан бироз таниш бўлган. Лекин Навоий ижоди унинг учун ҳали номаълум эди. У Санкт-петербурглик олимларнинг улуғ ўзбек шоири ижоди билан шуғулланаётганларидан хабар топиб, шу хайрли ишга ўз ҳиссасини қўшмоқчи бўлди. У шоир ижоди билан танишиб, уни жаҳон адабиётининг даҳо сиймоларидан бири эканлигини эътироф этди. У дастлаб Навоий ижоди ҳақида мақола ёзмоқчи эди. Аммо дўсти Николай Лебедевнинг аллома ижодидан қилган таржималарини ўқиб, ўзи ҳам Навоий асарлари латофатини рус китобхонига етказиш ишига киришди. Шу тарзда у шахсий ташаббуси билан қамалдаги олим ва таржимонлар сафига келиб қўшилди. Аммо кўп ўтмай ҳарбий хизматга чақирилади...

Уруш кунларнинг бири... Эрта тонг. Жангчи-шоир ҳордиқ олиб ётган ботқоқли ўрмондаги блиндажга сиёсий бўлимнинг вакили келиб, деди:

— Ўртоқ капитан, сизни чақиришяпти! Зудлик билан етиб боришингиз лозим!

В.Рождественский бир зумда кийиниб, батальонга етиб боради. Комиссар унинг қўлига бир парча қоғозни бериб:

— Қаерга боришингни биласанми? Ленинградга! — дейди ҳавас билан.

Капитан ҳайрон бўлиб, қоғозга қарайди.

Қоғозда **«Таклифнома. Алишер Навоий (1441-1941)»** сўзлари ёзилган эди...

(Давоми бор)

Наим КАРИМОВ, филология фанлари доктори

«МУНОЖОТ»НИНГ СЕҲРИ ВА ҚУДРАТИ

Алишер Навоий ғазаллари ўзининг гўзаллиги, мусиқийлиги, маъно юксаклиги, фалсафийлиги билан кишини ҳайратга солади. Айниқса, аллома асарлари асосида ижро этилувчи қўшиқлар асрлар бўйи мумтоз санъатимизга ҳаётбахш руҳ бағишлаб, халқимиз қалбидан мустаҳкам жой олиб келаётгани бу мероснинг умрбоқийлигидан далолат. Мухбиримиз классик қўшиқларнинг моҳир ижрочиси, Ўзбекистон халқ артисти Муножот ЙЎЛЧИЕВА билан шоир ижодига бўлган бугунги эътибор хусусида суҳбатлашди.

— Таъбир жоиз бўлса Сиз улуғ Навоий ижоди билан ҳар куни юзма-юз келасиз. Шундай экан, шоир даҳоси ижодингизда қандай ўрин тутади?

— Мен илк бор 1980 йилда буюк мутафаккир таваллудига бағишлаб ўтказилган «Назм ва наво» кечасида «Муножот» ва «Ушшоқ» ашулаларини қуйлаганман. Гарчи, нокамтарлик бўлсада айтай, ўшанда бу қўшиқлар бутун республикамизда, ҳатто қўшни давлатларда ҳам эътироф этилганди. Шу қўшиқлар билан халқнинг дилига тушиб, ҳозиргача мухлисларга Навоий шеърлари билан айтиладиган ашулаларни қуйлаб келмоқдаман. Қолаверса, устозим, Ўзбекистон халқ артисти Шавкат Мирзаев бошчилигида шоир ғазалларига қатор қуйларни басталадик. Масалан, «Ултургуси», «Нимчўпоне», «Ашрақат» ғазаллари билан айтилувчи ашулалар халқимизнинг севиб тинглайдиган қўшиқлари сафидан жой олди.

Назаримда, Навоийга ёндашиш, унинг ғазалларидан ижро этиш ниҳоятда мураккаб ва инсонга катта масъулият юклайдиган иш. Агар биз шоир ўйлаган фикрнинг ярмини тингловчига етказиб беролсак ҳам бу юз фоиз ютуқ дегани. Чунки мазкур ғазаллар қатидаги маъно шунчалар теранки, фалсафа шунчалар яширинки, уни овозда ифодалай олиш ҳофиздан катта маҳоратни талаб қилади. Шунинг учун ҳам чет элда гастроль сафарларида бўлганимизда, мухлислар асосан Навоий ғазаллари билан айтиладиган ашулаларни ижро этишимни илтимос қилишади.

— Шундай воқеалардан бирортасини айтиб бера оласизми?

— Англия сафарида концерт пайти томошабинлардан бири қўшиққа мос тебраниб, берилиб тинглаётганини кўриб қолдим. Шунда ашула айтаяпману хаёлимда «бу одам мусулмон» деган фикр кечди. Концертдан сўнг таржимонимиз олдимга келиб: «Муножотхон, ҳозир бир одам менга қизиқ воқеани айтиб берди, эшитиб титраб кетдим. Сиз ҳам ўз оғзидан эшитинг», деб ҳалиги кишини рўпара қилди. Бу мўйсафид асли покистонлик экан. Ўзининг айтишича, кўп йиллар муқаддам фалаж бўлиб ётиб қолибди. Шунда дўстлари унга менинг ашулаларим ёзилган дискни олиб келиб беришибди. У бўлса қўшиқларни қайта-қайта эшитибди, айниқса, «Муножот»ни тинглаб кўзларига ёш келибди. «Ҳар сафар шу хонанда бу томонларга келса-ю, шу концертларда қатнашиш менга насиб этармикан, ўз оёқларим билан юриб борармикинман, деб ўйлардим. Оллоҳга шукр, қилган дуоларим ижобат бўлди, бугун рафиқам билан шу концертга ўзим келдим», деб ҳалиги одам сўзини якунлаганида мен ҳам титраб кетдим.

Шу ўринда яна бир гап. Мумтоз шоирларимизни, хусусан, Навоийнинг ғазалларини хорижлик мутахассислар юракдан тан олишиб, жуда юқори баҳо беришади. Ижро этаётган ашулаларимиз XV-XVII асрларда яратилганини айтганимизда, улар кўпинча ҳайратларини яширолмайди. «Қандай қилиб уларни сақлаб қолгансизлар?», деган саволларни беришади.

— Сизнингча, Навоийнинг буюклигини бутун дунёга кўрсатмоқ учун яна нималар қилиш лозим?

— Агар шу пайтгача айтган қўшиқларимни сарҳисоб қиладиган бўлсам, ҳали бу борада ҳеч нарсага эришмадим, деб ўйлайман. Чунки улуғ шоир ижоди худди юксак қояга ўхшайди. Қанча интилсанг ҳам унга яқин бориш жуда катта машаққат. Ҳали қанча-қанча ғазалларини қўшиқ қилиб куйлаш мумкин. Бу меросни дунёга кўрсатиш, бошқа халқларга ҳам тарғиб қилиш учун энг аввал шоир ижодига ўзимиз кўпроқ мурожаат этишимиз керак. Кунда эмас, ҳар соатда, ҳар дақиқада...

Навоийни мақташ — қуёшни мақташ билан баробар, сабаби, у бизнинг мақтовларимизга муҳтож эмас. Ўйлашимча, шоирни мақташдан кўра, кўпроқ навоийхонлик тадбирларини, ғазаллари билан айтилувчи концертларни уюштиришга эътибор қаратиш лозим. Уюштирганда ҳам бу концерт гулдаста бўлиши керак. Навоий ғазалларини айтган билан у улуғ шоирга ҳурмат бўлмайди. Ижрони Навоийнинг дидига, даражасига мослаштириб тузиш керак. Бундай концертларни янада кўпайтириш лозим.

— Шоир ғазалларини куйлаётганингизда хаёлингиздан нималар кечади?

— Ҳар гал «Ушшоқ» ёки «Муножот»ни айтганимда ёки умуман, Навоий ижодига мурожаат этганимда мени ҳаяжон босади. Чунки бу қўшиқларнинг ҳар бир байти, ҳар сўзи, ҳар бўғинидан бир олам маъно топасиз. Қувонч, дард топасиз. Юрагингизга таскин берадиган бир мазмун топасиз. Мен саҳнада «Қаро кўзим»ни ижро этганимда шу ғазал маъноси ҳамда куйи овозим билан шу қадар уйғунлашиб кетадики, ўзимни унутаман...

Навоий ғазалларини юракдан берилиб ижро этмасдан бўлмайди. Ўша ҳолатга, ана шу руҳиятга кирмасдан куйламас экансиз, мухлисларга қўшиқнинг гўзаллигини, нафосатини етказиб беролмайсиз. Мен саҳнада ўзим сезмай қоламан, шундай ҳолатга кириб кетганимни. Чунки ҳар доим қўшиқ куйлаганимда буюк бобомизнинг руҳлари қўллаб-қувватлаётганини, илҳомлантириб турганини ҳис қиламан.

Матназар ЭЛМУРОДОВ суҳбатлашди

ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД

АҚШ Федераль сайлов комиссияси Нью-Йорк шаҳрининг собиқ мэри Рудольф Жулиани Республикачилар партияси номидан АҚШ президентлигига ўз номзодини қўймоқчи эканлигини расман эълон қилди.

«Биз ҳали айрим ҳужжатлар устида ишлашимиз керак ва бу яқин кунлар ичида ўз ниҳоясига етади» деб Жулиани ўз қарорини шарҳлаб ўтган. Унинг таъкидлашича, у сайловда ғалаба қозониш учун астойдил ҳаракат қилади ва АҚШ дуч келаётган муаммолар ечими учун курашади.

ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИБ ҚЎРҚИТДИ

БМТнинг Австриянинг Вена шаҳрида жойлашган штаб квартирасига хавф-хатар солинаётгани ҳақида телефон қўнғироғи бўлган.

Яъни, эрталабки соат саккизда кимдир полицияга қўнғироқ қилиб, БМТнинг штаб квартирасида бомба борлигини айтган. Шундан сўнг тезда зарур чора-тадбирлар кўрилган. Бино тўлиқ текширилгач, бу ерда ҳеч қандай бомба йўқлиги аниқланган.

БМТнинг штаб квартирасида 300 га яқин киши ишлайди. Текширув пайтида улар эвакуация қилинмаган.

АСТРОНАВТ АЙБЛАНМОҚДА

АҚШнинг Флорида суди яқинда қўлга олинган NASA астронавти Лиза Мари Новакка нисбатан янги айбловлар эълон қилди.

Астронавт Орландо аэропортида қўлга олинган. Унга бир қатор айблар қўйилмоқда. Оилали, уч нафар фарзанднинг онаси бўлган Новак одам ўғирлаганликда, қочишга уринганликда ва яна қотилликда айбланмоқда.

43 ёшли Лиза Мари Новак NASAнинг ҳаракатдаги астронавти ҳисобланади. У ўтган йилнинг июнь ойида уюштирилган экспедиция таркибида иштирок этиб, 13 кун фазода бўлган.

БАНККА ФИРИБ БЕРГАНЛАР

Москвада мижозларга ноқонуний йўл билан банкдан кредит олишда кўмаклашиб келган фирма ходимлари қўлга олинди.

Маълум бўлишича, фирибгарлар ўз мижозларига сохта ҳужжатлар тайёрлаб беришиб, банклардан катта миқдорда кредитлар олишга эришган. Ҳужжатларда кредит олувчининг иш жойи, маош миқдори, телефон рақамлари... хуллас, барча маълумотлар сохта бўлган, ўйлаб топилган.

Ҳозирда қўлга олинган беш киши фирибгарликда айбланмоқда.

«БОДРИНГ» 1 МИЛЛИАРДГА СОТИЛДИ



Лондондаги энг баланд ва кўркам иншоотлардан бири бўлган бодринг шаклидаги қурилган бино «IVG Immobilien AG» ва «Evans Randall Investment Management Ltd.» компанияларига 1,2 миллиард долларга сотилди.

Ушбу бино 2004 йилда қурилган бўлиб, 41 қаватдан иборат. 180 метрли «бодринг»нинг қурилишига 400 миллион доллар атрофида маблағ сарфланган.

АКТРИСА СУДГА БЕРИЛДИ

Швейцариянинг соат ишлаб чиқарувчи «Raymond Weil» фирмаси машҳур актриса Шарлиз Теронни судга берди.

Голливуднинг 31 ёшли кино юлдузи «Raymond Weil» фирмасининг соатларини реклама қиларди. Лекин сўнгги пайтларда актриса шартнома мажбуриятларини бузган. Яъни, у бошқа бир фирма — «Christian Dior» билан ҳам шартнома тузиб, бир қанча тадбир ва маросимларга айнан шу фирма томонидан ишлаб чиқарилган соатни тақиб борган.

Шартнома шартига кўра, Шарлиз Терон бошқа реклама роликларида суратга тушмаслиги лозим бўлган. Лекин у бир нечта рекламаларда суратга тушиб, шартнома талабини бузган.

Шартномани бузганлик учун актрисадан талаб қилинадиган товон пулининг миқдори ҳали аниқ кўрсатилмаган. «Raymond Weil» адвокатининг сўзларига кўра, Шарлиз Терон иштирокидаги рекламалар учун 20 миллион доллардан ортиқ миқдорда маблағ сарфланган.

ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ ҚИДИРИЛМОҚДА

«Microsoft» компаниясининг ходими Жим Грей Тинч океанида изсиз йўқолган.

28 январь куни Грей ўзига тегишли яхтада онасининг қариндошларини йўқлаб келиш учун Тинч океанига, аниқроғи, Фараллон ороли томон йўлга чиқади.

Ҳозирда Грейни ҳеч қаердан топиб бўлмаяпти. Кенг кўламда олиб борилган қидирув ишлари ҳам тўхтатилган. Фақатгина Грейнинг дўстлари қидирувни давом эттиришмоқда. Эндиликда улар интернетга Грей ҳақидаги маълумотларни, турли суратларни киритиб, уни топишда ёрдам сўраб, одамларга мурожаат қилишган.

❖ Наврўз қўшиқлари

БОЙЧЕЧАГИМ БОЙЛАНДИ

«БОЙЧЕЧАК САЙЛИ» МАРОСИМИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲОЛДА ЯРАТИЛГАН ҚЎШИҚЛАР

Мамлакатимиз ҳудудида анъанавий тарзда ўтказиб келинган гул сайлларининг энг қадимийси ва кенг тарқалгани **«Бойчечак сайли»** ёки **«Бойчечак хабари»** маросими ҳисобланади. Зарафшон дарёси соҳилида истиқомат қилувчи аҳоли ҳар йили эрта кўкламда илк бойчечаклар очилиши билан «Бойчечак гулгардони» номли анъанавий сайлни ўтказиш учун далаларга ошиқишган.

XX асрнинг 20-йилларида Зарафшон воҳаси бўйлаб ўтказилган этнографик экспедиция қатнашчиси О.Сухарева Самарқанд шаҳри яқинидаги қишлоқлардан бирида бойчечак билан боғлиқ маросимни кузатишга муваффақ бўлган. Унинг ёзишича, «бойчечак чиққанлигининг илк даракчилари болалар ҳисобланган. Одатда ўғил болалар тўп-тўп бўлишиб, далага чиқишади ва қор кетган ўнгирларда очилиб ётган бойчечакларни теришади. Улар баҳор нафаси уфуриб турган бойчечаклардан жажжигина гулдаста ясаб, қишлоққа қайтиб келишади ва бойчечак қўшиғини куйлаганча, уйма-уй кириб чиқишади. Кексалар, касалманд кишилар бойчечакни кўзларига суртишиб, болаларга нон, қанд, ширинлик ҳадя этадилар».

«Бойчечак сайли» ёки «Бойчечак хабари» маросими қадимдан наврўзолди шодиёналари сифатида ўтказиб келинган. Баъзи жойларда болалар бир даста бойчечакни узун ёғочнинг учига боғлаб олганлар ва уни кўтариб қишлоқ айланганлар. Бойчечак чиққанлиги — қишқировли кунлар ортда қолиб, кўклам яқинлашганлигини англатган. Шунинг учун одамлар болалар олиб келган бойчечакни юз-кўзларига суртиб, ундан яқинлашаётган баҳор ҳидини туйганлар. Соғ-омон Наврўзга етиб келганликларига шукрона айтиб, *«Омонлик, омонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик, янаги йил шу кунларга эсон-омон етайлик! Оғирлигим ерга, енгиллигим ўзимга»* деганлар.

XX асрнинг бошида Тошкент шаҳрининг Бешёғоч даҳасида бойчечак очилиши болалар учун бамисоли байрамга айланиб кетган. Ўғил саккиз-ўн нафар бўлиб, бойчечак теришган ҳамда ҳар бир уй олдига келганда:

Бойчечагим бойланди,
Қозон тўла айронди,
Айронингдан бермасанг,
Қозон-товоқинг вайрондир.
Қаттиқ ердан қазилаб чиққан бойчечак,
Юмшоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак — деб қўшиқ айтганлар. Мободо, уй эгаси бирор юмуш билан банд бўлиб, ҳадеганда чиқавермаса, болалар:

Овратмайг, овратманг,
Болаларни жовратманг! — дейишган.

Тошкент вилоятининг тоғолди қишлоқларида эса «Бойчечак сайли» ўзига хос тарзда ўтказилган. Даста-даста бойчечак териб олган болалар тўп-тўп бўлишиб қишлоқ айланишган ва ҳар бир хонадон эшиги олдига борганда:

Адирлар тўла чечак,
Биз келдик уча-уча,
Бойчечагим, бойчечак,
Кутиб олинг, ҳой чечак, — деб қўшиқ айтганлар. Уй эгалари эса болалар олиб келган садафдек оппоқ бойчечакларни юз-кўзларига суртиб, уларни алқаганлар. Ҳар бир хонадон соҳиби бойчечак хабарини келтирган болакайларни бирорта тансиқ ширинлик билан сийлашга ҳаракат қилган. Бундан хурсанд бўлган болалар эса:

Бойчечак келтирдик эшигингизга,
Худойим ўғил берсин бешигингизга — деб қўшиқ айтиб, бошқа хонадон сари отланганлар. Баъзи болалар эса уй эгасининг фарзанди ўғил бўлишига истак билдириб, қуйидаги қўшиқни ҳам куйлашган:

Ҳурли бўлинг, ҳурли бўлинг,
Бойчечакдай гулли бўлинг,
Келаси йил шу маҳал,
Қўш кокил ўғилли бўлинг!

Ўтган асрнинг 20-йилларида маросим фольклори ва халқ қўшиқларига доир материалларни тўплаш мақсадида Тошкент вилояти бўйлаб фольклор экспедициясида бўлган Е.Пешчерева Бурчмуллада болалар томонидан «Бойчечак сайли»да айтиладиган қўшиқни ёзиб олган.

Наманган вилоятида кўкламги биринчи чечак — «гулбарра» очилганда «Бўка-бўкавой» маросими ўтказилган. «Гулбарра» сап-сариқ рангли лолага ўхшаш гулнинг номи бўлиб, бу гулнинг очилганини кўрган болалар дала-қирларга ошиқадилар. Улар гулбаррадан бир даста териб олиб, кичкина таёқчанинг учига боғлайдилар ва уни кўтариб уйма-уй юрадилар. Ҳар бир хонадон эшигини тақиллатаётган пайтда улар:

Бўка, бўкавой, бойтилла,
Уйингизга чоч тилла,
Худойим ўғил берсин,
Унинг оти Раҳматилла,
Ўлтириб чиқинг,
Ёғоч товоқни,
Тўлдириб чиқинг, — деб қўшиқ айтишади.

Самарқанд вилоятининг Булунғур туманидаги Қоракурсоқ қишлоғида истиқомат қилувчи Ҳазратқул Муҳаммадқуловнинг айтишича, одатда далвнинг 2-3 куни «қантар оғади», яъни ер тагига иссиқ киради. Қантар оғгандан кейин қори кетган беткайларда бойчечак кўрина бошлайди. Бойчечакнинг энг кўп очилиш даври эса асосан ҳут ойига тўғри келади. Бу баҳорий чечак очилганда болаларнинг «Бойчечак» қўшиғини айтиш одати мавжуд бўлган.

«Бойчечак сайли» ёки «Бойчечак хабари» маросими халқимизнинг Наврўз байрамидан аввалги анъанавий удумларидан бири ҳисобланади. Қуйида эса ана шу маросимда айтилувчи қўшиқлардан бирининг матнини эътиборингизга ҳавола этамиз.

БОЙЧЕЧАК ЧИҚИБДИ, БУГУН НАВРЎЗ ЭКАН

Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан,
Ҳамма бир-бирига жигарсўз экан,
Олам ҳам баробар кеча-кундуз экан,
Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан.

Янги йилингиз муборак бўлсин, ҳой бобо,
Янги йилингиз муборак бўлсин, ҳой момо,
Янги йилингиз муборак бўлсин, ҳой она,
Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан.

Ҳой, боғбон бобо, ниҳолга берсин барака,
Ҳой, деҳқон бобо, далангга берсин барака,
Ҳой, чўпон бобо, қўрангга берсин барака,
Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан.

Маматқул ЖЎРАЕВ,
филология фанлари доктори,
профессор

(Давоми бор).

❖ Спорт

ТЎРТИНЧИ УРИНИШ

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМПИЯ ТЕРМА ЖАМОАСИ УЧУН МУВАФФАҚИЯТЛИ БЎЛИШИ КУТИЛМОҚДА

Кеча Осиё қитъасида футбол бўйича келаси йили Хитойда ўтказиладиган XXIX ёзги Олимпия ўйинлари саралаш учрашувларининг дастлабки босқич баҳсларига старт берилди. Қуръага кўра, уй-сафар тизимида уюштирилаётган бу босқичда қитъамизнинг йигирмата терма жамоаси майдонга тушмоқда. Жумладан, унда Ўзбекистон — Тожикистон, Мьянма — Ҳиндистон, Иордания — Қирғизистон, Туркманистон — Таиланд, Вьетнам — Афғонистон, Сингапур — Покистон, Сянган (Гонконг) — Бангладеш, Яман — Фаластин, Индонезия — Мальдив ороллари, Австралия — Хитой-Тайпейи олимпиячиларининг ўзаро учрашувларидан сўнг ғолиблар кейинги босқичга йўлланма олади. Қирғизистон футболчилари мусобақада қатнашишдан бош тортганлиги сабабли иорданияликлар тўғридан-тўғри кейинги босқичга йўлланма олди.

Аввал хабар қилганимиздек, мамлакатимиз футболчилари шу кунгача Олимпия саралаш баҳсларида уч (Атланта-1996, Сидней-2000, Афина-2004) маротаба ўз омадларини синаб кўришган. Аммо барча уринишлар самарасиз якунланганди. Бундан тўғри хулоса чиқарган Ўзбекистон Футбол федерацияси Пекин олимпиадаси олдидан футболчиларимиз олдига жиддий вазифалар қўйди ва аниқ режа асосида барча зарур шарт-шароитларни яратиб берди.

— ЎФФ Олимпия терма жамоасига ҳеч қачон бундай катта эътибор қаратмаганди, — дейди жамоа менежери Алишер Никимбоев. — Футболчиларимиз саралаш баҳсларига аъло даражада тайёргарлик кўрди. БАА ва Туркияда уюштирилган ўқув-йиғин машғулотлари ҳар томонлама фойдали бўлди. Футболчиларнинг жисмоний ҳолатини яхшилаш йўлида барча шароит яратилди. Бош мураббий Вадим Абрамов ҳамда унинг ёрдамчилари Миржалол Қосимов, Игор Шквиринлар бир қатор назорат-синов ўйинларида турли тактик услублар устида астойдил тер тўкишди.

— Бир ойдан ортиқ вақт мобайнида миллий чемпионатимиз ва Россия, Украина футбол клубларида ўйнаётган 40 нафардан зиёд футболчини синовдан ўтказдик, — деди учрашув олдидан бош мураббий Вадим Абрамов. — Улар орасидан фақат ўн саккиз ўйинчи асосий таркибга жалб этилди. Ҳозир йигитларимизнинг ҳар бири ғалаба иштиёқида ёнмоқда.

Мутахассислар таъкидлаганидек, Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси тожикистонликларга қарши кўтаринки кайфиятда майдонга чиқишди. Учрашув ойнаи жаҳон орқали тўғридан-тўғри олиб кўрсатилганлиги туфайли тафсилотларга батафсил тўхталишни лозим топмадик. Энг муҳими, келажакда миллий терма жамоа асосини ташкил этувчи олимпиячиларимиз ҳужумкор футбол намойиш қилишди. Буни якунда қайд қилинган натижа ҳам кўрсатиб турибди — 4:1. Тўпларни вакилларимиздан Садриддин Абдуллаев, Анзур Исмоилов, Одил Аҳмедовлар киритган бўлса, меҳмонлардан Соҳиб Саванқулов автогол муаллифи бўлди. Энди бир ҳафтадан сўнг, 14 февралда Душанбеда жавоб учрашуви бўлиб ўтади.

Умид қиламизки, олимпиячиларимиз мухлислар ишончини оқлаб, 28 февралдан 6 июнга қадар давом этадиган гуруҳ баҳсларига йўлланмани қўлга киритишади. Қуръага кўра, Ўзбекистон — Тожикистон Олимпия терма жамоалари учрашуви ғолиби кейинги босқичда «F» гуруҳида Жанубий Корея, Бирлашган Араб Амирликлари ҳамда Яман — Фаластин жуфтлиги ғолибига қарши тўп суради.

Эркин ХОЛБОБО



Суратда: *учрашувдан лавҳа.*

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН — ОЗАРБАЙЖОН — 0:0

Бу йил Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳам бир қатор йирик мусобақаларда иштирок этади. Улар орасида март ойида Чимкентда бўладиган ALMA-TV халқаро турнири, июлда Малайзия, Таиланд, Вьетнам, Индонезия давлатларида уюштириладиган Осиё чемпионати алоҳида ўрин тутади. Ушбу йирик мусобақаларда футболчиларимизнинг муносиб иштирокини таъминлаш мақсадида ЎФФ миллий терма жамоанинг баҳсларга пухта ҳозирлик кўришига жиддий аҳамият бермоқда.

Кеча миллий терма жамоа аъзолари бош мураббий Рауф Инилеев етакчилигида илк бор Озарбайжон футболчилари билан халқаро ўртоқлик учрашуви ўтказди. Қарши шаҳрида бўлиб ўтган мазкур ўйинда вакилларимиз маълум сабабларга кўра, жамоа етакчилари — Александр Гейнрих («Торпедо» Москва, Россия), Максим Шацких («Динамо» Киев, Украина) ҳамда олимпиячилар Виталий Денисов («Днепр», Украина), Марат Бикмаев («Рубин», Россия), Александр Клецков («Пахтакор» Тошкент)ларсиз майдонга чиқдилар. Бу эса Рауф Инилеев бошқа бир қатор номзодларни синовдан ўтказиши учун қулай имконият яратди. Жумладан, мухлислар таркибга анчадан бери чақирилмаётган Жаъфар Ирисметов («Олма-Ота», Қозоғистон), Павел Соломин («Трактор» Тошкент)ларнинг ўйинларидан баҳраманд бўлишди.

Қизиқарли кечган учрашувда 0:0 ҳисоби қайд этилди.

❖ Интер-спорт

«ЛИВЕРПУЛЬ» СОТИБ ОЛИНДИ

Европанинг машҳур футбол клубларидан бири, Англиянинг «Ливерпуль» жамоаси америкалик миллионерлар Жорж Жилетт билан Том Хикснинг хусусий мулкига айланди. «Sky Sport» хабарларига қараганда, харидорлар клуб акцияси учун 174 миллион фунт тўлаб, жамоанинг барча қарзлари ва яна 45 миллион тўлашга рози бўлишган. Бу «Ливерпуль» директорлари кенгашига маъқул келган. Айни пайтда сотиб олувчилар янги стадион қуриш учун 200 миллион фунт ажратмоқчи эканлар.

Жилетт, шунингдек, Канаданинг НХЛ «Монреаль Канадианз» хоккей клуби, Техаснинг «Рейнжерс» бейсбол жамоаси ҳамда «Даллас Старз» клубларига ҳам эгалик қилмоқда. Қизиғи шундаки, миллионерлар илгари АҚШдаги йирик гўштни қайта ишлаш компаниясида раҳбарлик қилишган. Шундай қилиб, «Ливерпуль» Англиянинг хорижий сармоядорларга тегишли бўлган «Манчестер Юнайтед», «Челси», «Астон Вилла» ҳамда «Вест Хэм» клублари қаторига қўшилди.

ВАЛУЕВ ЖАНГГА ҲОЗИРЛИК КЎРМОҚДА



Россиялик боксчи, WBA йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Николай Валуев ўзбекистонлик ўта оғир вазнли Руслан Чагаев билан жанг қилишга ҳозирланаётганини маълум қилди. Бу жанг ҳақида Валуев Санкт-Петербургда журналистларга ахборот берган. Унинг сўзларига қараганда, учрашув тахминан 14 апрелда ўтказилиши кутилмоқда. Валуев рақиби ҳақида илиқ фикрлар билдирмоқда. У кўпдан бери «чапақай» билан жанг қилмаганини таъкидламоқда.

Эслатамиз, ҳаваскор боксчилар ўртасида жаҳон чемпиони Чагаев профессионаллар чемпиони Валуев билан жанг қилиш ҳуқуқига эга бўлиш учун ўтган йилнинг ноябрь ойида Дюссельдорфда америкалик Жон Руизни мағлубиятга учратган. 28 ёшли Чагаев профессионал боксда 23 та мағлубиятсиз жанг ўтказиб, шундан 17 тасини нокаут билан якунлаган. Шунингдек, Руслан WBA йўналишида қитъаларо ҳамда WBO йўналиши бўйича Осиё-Тинч океани минтақалари чемпиони саналади.

СОЛИҚ ТЎЛАМАСЛИК ОҚИБАТИ

Голландияда ўтган суд мажлисида прокурор футбол бўйича Россия терма жамоаси бош мураббийи Ғус Хиддинкни ўн ойга қамоқ жазосига тортишни талаб қилган. Мураббийнинг солиқ ишлари бўйича маслаҳатчиси ва ҳисобчиси Симон ван ден Боом эса 14 ойга ана шундай жазога тортилиши мумкин экан. Бу ҳақда ИТАР-ТАСС Ден Босх шаҳрида ўтказилаётган суднинг матбуот котиби хабарига таянган ҳолда маълумот беради.

Эслатамиз, Россия футболчиларининг устози солиқларни вақтида тўламаганликда айбланмоқда. Прокурор Кристиан Лоос Хиддинк давлатдан 1,4 миллион евро миқдорида қарз бўлиб қолган, деган фикрни айтмоқда. Мураббийнинг солиқ ишлари бўйича маслаҳатчиси эса даромаддан тўланиши лозим бўлган 1,5 миллион еврони вақтида топширмаганликда айбланмоқда. Миллий қонунчилик асосида бундай айбларга кўра, мураббий билан унинг ҳисобчиси олти йилгача озодликдан маҳрум этилиши ва 45 минг еврогача жаримага тортилиши мумкин.

Диққат, танлов!

Самарқанд вилоят ҳокимлиги Маданият ва спорт ишлари бошқармаси Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган миллий эстрада йўналишидаги «Самарқандни куйлайман» деб номланган қўшиқлар кўрик-танловини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТАНЛОВ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

- *Кўрик-танловда республикамизда ижод қилаётган барча профессионал ва ҳаваскор қўшиқчилар иштирок этишлари мумкин.*
- *Кўрик-танловга миллий эстрада йўналишидаги (якка, дуэт ва гуруҳ) ижрочилар Самарқанд шаҳри ҳақида илгари ижро этилмаган, битта янги қўшиқ билан қатнашадилар.*
- *Кўрик-танлов қатнашчиларининг ашула сўзларини тўғри талаффуз қилиши ва маҳорати, мусиқа ва сўзнинг уйғунлигига тўлиқ риоя қилиши талаб этилади.*
- *Кўрик-танловда иштирок этишни хоҳлаган барча хонандалар 2007 йилнинг 5 апрелига қадар қўшиқларини аудио, видео ва мини, CD дискларга ёзиб, ўзи ҳақидаги ҳужжатлар (тавсиянома, сўровнома, 5х6 ҳажмдаги 2 дона сурат) билан ашула матнини қуйидаги манзилга юборишлари керак:*

Манзил: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй, 9-қават, Самарқанд вилояти ҳокимлиги Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Самарқандни куйлайман» қўшиқлар кўрик-танлови ташкилий қўмитаси. Мурожаат учун телефонлар:
(8.366) 233-03-35, 231-15-18, 233-55-93.

Кўрик-танловга келган барча асарлар нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқилади.

Ҳакамлар ҳайъати танлаб олган 10 та иштирокчи якуний кўрик-танловда қатнашади.

Ғолиблар Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилей тадбирларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.



ҒОЛИБЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ

Кўрик-танловда ғолибликни қўлга киритган ижрочилар қуйидаги соврин ва мукофотлар билан тақдирланадилар:

1-ўрин (битта) —
1-даражали диплом, 1 миллион 500 минг сўм пул мукофоти;
2-ўрин (иккита) —
2-даражали диплом, 1 миллион сўмдан пул мукофоти;
3-ўрин (учта) —
3-даражали диплом, 500 минг сўмдан пул мукофоти.

Якунловчи концерт республика оммавий ахборот воситалари, вилоят телерадиокомпанияси ҳамда «СТВ-Самарқанд» телевизион ижодий уюшмаси томонидан ёзиб олиниб, кенг тарғиб қилинади.

«Пўлатқурилма» очиқ акциядорлик жамияти номига Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ҳокимининг 2003 йил 27 майдаги 816-сонли қарорига асосан берилган Реестрдаги тартиб рақами 11-000854 сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан берилган 2614759046 рақамли кадастр ҳужжатлари ва 10-55/2006 рақамли бино иншоот реестри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 146
14282 nusxada bosildi
1 — Тижорат материали
O'zA yakuni — 21.30
Topshirilgan vaqti — 22.30
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda